«ТАСДИҚЛАНДИ»
«Ўзбекгеофизика» АЖ
Кузатув кенгашининг
2023 йил «25» июлдаги баёни

“ЎЗБЕКГЕОФИЗИКА” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШ СИЁСАТИ

Тошкент-2023 й.

«УТВЕРЖДЕНО»
Протоколом
Наблюдательного совета
АО «Узбекгеофизика»
от «25» июля 2023 года

ПОЛИТИКА
УПРАВЛЕНИЯ КОНФЛИКТАМИ ИНТЕРЕСОВ АКЦИОНЕРНОГО ОБЩЕСТВА "УЗБЕКГЕОФИЗИКА"

Ташкент-2023 г.

I. Умумий қоидалар	I. Общие положения
1. Мазкур Сиёсат “Ўзбекгеофизика” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият деб юритилади)да фаолиятида манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш, унинг олдини олиш ва тартибга солишни белгилайди. Сиёсат Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.	1. Данная Политика регулирует выявление, предотвращение и урегулирование конфликта интересов в деятельности АО «Узбекгеофизика» (далее – Общество) . Политика вступает в силу после утверждения Наблюдательным советом Общества.
2. Ушбу Сиёсат эгаллаб турган лавозими ва бажараётган хизмат ваколатларидан қатъий назар Жамият билан меҳнат шартномалари асосида (доимий, вақтинчалик ҳамда фуқаровий-ҳуқуқий тусдаги) фаолият олиб бараётган барча ходимларига тегишли, шу жумладан Бошқарув органи ва Кузатув кенгаши аъзоларига ва ходимларнинг шахсий манфаатлари Жамият манфаатларига зид келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатларга нисбатан қўлланилади.	2. Настоящая Политика распространяется на всех работников, работающих в Обществе на основании трудовых договоров (постоянных, временных и гражданско-правовых), независимо от занимаемой ими должности и полномочий по выполняемой ими службе, в том числе членов Правления и Наблюдательного совета, а также применяется к любой ситуации, которая может возникнуть если личные интересы сотрудников противоречат интересам Общества..
3. Ходимлар ишга қабул қилинаётганда ҳамда бошқа лавозимга ўтаётганда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисидаги иловаларга мувофиқ шаклда маълумотларни тўлдирадилар ва кейинчалик уни ҳар йили тўлдириб борадилар. Ходимлар, шунингдек, вазият талаб қилганда ҳар йили тақдим этилган маълумотни ўз вақтида янгилашлари шарт.	3. Сотрудники заполняют информацию о конфликте интересов в соответствии с заявлением при приеме на работу и переводе на другую должность, а затем представляют ее ежегодно. Сотрудники также обязаны ежегодно обновлять предоставляемую информацию, если этого требует ситуация.
4. Мазкур Сиёсат Жамиятда юзага келган ва юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бошқариш масалаларидаги асосий ички ҳужжат ҳисобланади ва барча ходимлар томонидан сўзсиз риоя қилиниши шарт.	4. Настоящая Политика является основным внутренним документом по предотвращению и управлению конфликтами интересов, которые возникли и могут возникнуть в Обществе, и должна неукоснительно соблюдаться всеми работниками.
5. Жамият ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ масалалар Жамиятнинг “Ходимларни бошқариш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш” бўлими томонидан мувофиқлаштириб борилади.	5. Вопросы, связанные с конфликтом интересов работников Общества, координируются Отделом по “Управлению, обучению и переподготовке персонала” Общества.
Мазкур Сиёсат мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади: **алоқадор шахслар** – Жамият ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик Жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно; **кронизм** – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар	Для целей настоящей Политики используются следующие ключевые понятия: **связанные лица** - лица, участвующие в уставном капитале коммерческих организаций совместно с работником Общества, за исключением случаев, когда они владеют менее чем пятью процентами акций акционерных обществ, акции которых находятся в публичном обращении на республиканских акциях; **кронизм -** использование власти (положения) и репутации в целях

тақдим этиш мақсадида ҳокимият (лавозим мавқесидан) ва обрўсидан фойдаланиш;	предоставления незаконной выгоды друзьям или доверенным лицам;
манфаатлар тўқнашуви – Жамият ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, Жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;	**конфликт интересов** - когда личный (прямой или косвенный) интерес государственного служащего влияет или может повлиять на надлежащее исполнение им своих служебных или служебных обязанностей, а также когда существует или может возникнуть конфликт между личным интересом и правами и законными интересами граждан, организаций, Общества или государства о возможной ситуации;
манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш – ходимлар томонидан потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисида эълон қилиш тартиб-таомили;	**раскрытие конфликта интересов** – порядок заявления работниками о потенциальном или реальном конфликте интересов;
манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш – Жамият томонидан ходимларнинг хизмат мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаслиги ҳолати ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви юзага келганда уларнинг манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий ва бошқа манфаатлар) Жамият манфаатларидан устун келиши хавфини камайтириш ёки бартараф этиш;	**регулирование конфликта интересов** - снижение или устранение риска неисполнения работниками своих служебных обязанностей Общества и (или) их интересов (в том числе личных, социальных, имущественных, финансовых и иных интересов), превалирующих над интересами Общества в случае конфликта интересов ;
маҳаллийчилик – шахсни унинг наслий келиб чиқиши (аслзода ёки машҳур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;	**кумовство** - набор, ротация и назначение лица без учета того, соответствует ли оно квалификационным требованиям, предъявляемым к должности в силу его происхождения (представителя знатной или известной династии и факта признания его общественностью) и служебной должности состоявший по назначению своих близких родственников;
непотизм (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик; фаворитизмнинг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши**)** – ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, Жамият манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;	**непотизм** (знакомство, инбридинг; появление фаворитизма по признаку родственных связей **)** – использование власти и (или) влияния в целях предоставления незаконных выгод своим близким родственникам или друзьям , а также начисление необоснованного вознаграждения близким родственникам и (или) друзьям, вербовка близких родственников и друзей в ущерб интересам общества и назначениям;
потенциал манфаатлар тўқнашуви – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Жамият билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкий,	**потенциальный конфликт интересов** - личные интересы (в том числе личные, общественные, имущественные, финансовые и иные интересы) работника, его близких родственников и (или) лица,

молиявий ва бошқа манфаатлари) муайян вазиятлар юзага келганда, улар Жамиятнинг манфаатларига қарама-қарши бўлиши ва Жамият ходимлари томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган вазият; **реал манфаатлар тўқнашуви** – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Жамият билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан, шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари) Жамият манфаатларига бевосита ёки билвосита қарама-қарши бўлган вазият; **уруғ-аймоқчилик** – ходимининг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва нохолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги; **фаворитизм** – бирон бир ходим бошқа шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига қараганда битта шахс ёки шахслар гуруҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, ташкилотда Ходимларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сиҳатгоҳлар ва хорижий сафарларга юбориш, мурожаатлар, шунингдек, иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишда кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қилмаслик; **ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари); **шафелик** – ходимининг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, уни ёқлаб ёнини олиши; **Ходимлар** – ушбу Кодекснинг қўлланилиш доирасидан келиб чиқиб, меҳнат шартномалари асосида (доимий, вақтинчалик ҳамда фуқаровий-ҳуқуқий тусдаги) ўз лавозим мажбуриятларини	связанного с Обществом, при возникновении определенных ситуаций они вступают в противоречие с интересами Общества и сотрудникам Общества возникнут ситуации, которые могут повлиять на выполнение ими своих служебных обязательств; **реальный конфликт интересов** - ситуация, когда личные интересы (в том числе личные, общественные, имущественные, финансовые, политические и иные интересы) работника, его близких родственников и (или) лица, связанного с Обществом, прямо или косвенно противоречат интересам Общества; **кумовство** - личная заинтересованность работника в форме субъективного, привилегированного и предвзятого отношения к третьим лицам на основании принадлежности к одной династии; **фаворитизм** - когда работник отдает приоритет интересам одного лица или группы лиц над интересами другого лица и (или) группы лиц, осуществляет отбор и расстановку работников в организации, продвижение их по службе, премирование и представление к государственным наградам; предоставление отпусков или направление их в здравницы и зарубежные командировки, обращения, а также несоблюдение порядка в ситуациях, связанных с установлением очередности при пересмотре графика работы и дежурств; **личная заинтересованность работника** - личная заинтересованность в виде денег, материальных или нематериальных ценностей, иного имущества, богатств и благ, которая может повлиять на надлежащее исполнение работником своей должности или служебных обязанностей его близкими родственниками или лицами, связанными с работником в пределах объем выполнения своих служебных обязанностей возможность получения выгоды (личных, общественных, имущественных, финансовых, политических и иных интересов); **заступничество** - защита работника другим работником, занимающим более высокую должность, в виде создания благоприятных условий труда, принятия его стороны в свою пользу; **Работниками** являются все работники Общества и его структурных подразделений, в том числе члены Органа управления и Наблюдательного совета, исполняющие свои обязанности на

бажараётган Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларининг барча ходимлари, шу жумладан Бошқарув органи ва Кузатув Кенгаши аъзолари. **яқин қариндошлар** – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек, эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари; **Таркибий бўлинмалар** – “Ўзбекгеофизика” АЖ бўлимлари, тўғридан – тўғри бўйсинувчи партиялари ва филиаллари.	основании трудовых договоров (постоянных, временных и гражданско-правовых), исходя из сферы применения этот Кодекс . **близкие родственники** - лица, связанные по крови или богу, то есть родители, биологические и сводные братья и сестры, супруг, дети, в том числе усыновленные, бабушки, дедушки, внуки, а также родители супругов, полнородные и неполнородные братья и сестры; **Структурные подразделения** - управления, непосредственно подчиненные лица и филиалы АО «Узбекгеофизика».
II. Манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг асосий тамойиллари ва қоидалари	**II. Основные принципы и правила управления конфликтами интересов**
6. Жамият ходимлари ҳақиқий ёки потенциал манфаатлар тўқнашувига олиб келиши ёки манфаатлар тўқнашуви кўринишини бериши мумкин бўлган вазиятлардан қочиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга ошириши керак. Шахсий манфаатлар Жамият манфаатларидан устун қўйилганда ва бундай шахсий манфаатлар бизнес мулоҳазалари, қарорлари ёки ҳаракатларига салбий таъсир қилганда манфаатлар тўқнашуви пайдо бўлиши мумкин. Бундай вазиятлар Жамиятнинг бизнес ҳамкорлари ва мижозлари, шу жумладан етказиб берувчилар, шунингдек давлат идоралари билан муносабатларда юзага келиши мумкин. Жамият ходимлари Жамиятнинг Бошқарув органининг олдиндан розилигисиз бошқа бирон бир иш берувчига хизмат кўрсатмаслиги, шунингдек, учинчи шахсларнинг манфаатларига хизмат қиладиган ва Жамият манфаатлари доирасига кирадиган бошқа фаолият билан шуғулланмаслиги керак. Агар ходимнинг бирон бир яқин қариндоши бундай фаолиятга жалб этилса, ходим зудлик билан ўзининг бевосита раҳбарига хабар бериши керак. Ўз навбатида, “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими билан биргаликда Жамият учун юзага келиши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олиш учун зарур чораларни кўриши керак.	6. Сотрудники Общества должны прилагать все усилия, чтобы избегать ситуаций, которые могут привести к реальному или потенциальному конфликту интересов или создать видимость конфликта интересов. Конфликты интересов могут возникнуть, когда личные интересы ставятся выше интересов Общества и такие личные интересы отрицательно влияют на деловые суждения, решения или действия. Подобные ситуации могут возникнуть в отношениях с деловыми партнерами и клиентами Общества, в том числе с поставщиками, а также с государственными органами. Работники Общества не имеют права оказывать услуги любому другому работодателю без предварительного разрешения Правления Общества, а также заниматься иной деятельностью, которая служит интересам третьих лиц и входит в сферу интересов Общества. Если к такой деятельности причастен кто-либо из близких родственников работника, работник обязан немедленно сообщить об этом своему непосредственному руководителю . В свою очередь, совместно с отделом “По противодействию коррупции и комплаенс контроля” принять необходимые меры по предотвращению возможных последствий для Общества.
7. Ходимларга тўғридан-тўғри ёки учинчи шахс орқали ўзлари ёки бошқа бирон бир томон учун ўз вазифаларини бажаришда келажакда	7. Вымогательство или принятие, прямо или через третье лицо, какой-либо выгоды для сотрудников при выполнении ими своих

ёки аллақачон содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик эвазига ҳар қандай наф сўраш ёки қабул қилиш, шунингдек худди шу тарзда, ходимларга бундай наф бўйича ҳар қандай ваъдаларни қабул қилиш тақиқланади. Шунингдек, ходимларга «Ўзбекгеофизика» АЖнинг совғалар бериш ва олиш, бизнес-тадбирларни ташкил этиш ва иштирок этиш, вакиллик харажатларини амалга ошириш бўйича Сиёсати”да белгиланган тартибдан ташқари ҳар қандай совғаларни қабул қилиш ёки Жамиятнинг ҳар қандай амалдаги ёки потенциал пудратчиси, етказиб берувчиси ва бошқалар билан шахсий муносабатларида чегирмалар ёки яхши шартлар шаклида шахсий наф олишга рухсат берилмайди. Ходимлар яқин қариндошлари билан назорат ёки текширув муносабатларида бўлмасликлари (масалан, ишга ёллаш шартларига таъсир қилишлари) ёки яқин қариндошларга нисбатан ҳар қандай ёллаш (шу жумладан ички ва ташқи ёллаш, шунингдек ходимни Жамият ичида бошқа жойга ўтказиш) тўғрисида қарор қабул қилишда иштирок этмасликлари керак. Ходимлар уларнинг шахсий манфаатлари Жамият манфаатларига зид бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай қарорлар қабул қилишда иштирок этмасликлари (яъни рад этиши), шубҳа туғилган тақдирда эса “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимига маслаҳат сўраб мурожаат қилишлари керак. Жамият ходимлари манфаатлар тўқнашувини бошқариш масалаларида қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилишлари шарт: - фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги; - давлат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўйиш; - ошкоралик, виждонлилик, холислик асосида қарорлар қабул қилиш; - потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишнинг шартлиги; - манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича профилактик чораларнинг устуворлиги; - манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини кўриб чиқиш ва манфаатлар	обязанностей для себя или любой другой стороны в обмен на будущие или прошлые действия или бездействие, а также принятие любого обещания такой выгоды сотрудникам. запрещено. Также работникам запрещается принимать любые подарки, кроме установленного в Политике порядка вручения и получения подарков, организации и участия в деловых мероприятиях, осуществления представительских расходов АО «Узбекгеофизика» или любого фактического или потенциального подрядчика, поставщика и т.п. В личных отношениях с Обществом не допускаются личные выгоды в виде скидок или выгодных условий. Сотрудники не должны находиться в надзорных или контролирующих отношениях с близкими родственниками (например, влиять на условия найма) или участвовать в каких-либо решениях о приеме на работу (в том числе внутренний и внешний найм, а также переводы сотрудников внутри Общества) в отношении близких родственники. Сотрудники не должны участвовать (т.е. отказываться) в принятии любых решений, в которых их личные интересы могут противоречить интересам Общества, а в случае возникновения сомнений должны обращаться за консультацией в отдел “По противодействию коррупции и комплаенс-контролю”. Сотрудники Общества обязаны придерживаться следующих основных принципов в вопросах управления конфликтом интересов: - приоритет прав, свобод и законных интересов граждан; - ставить государственные интересы выше личных интересов; - принятие решений на основе прозрачности, добросовестности, беспристрастности; - требование раскрытия информации о потенциальных или реальных конфликтах интересов; - приоритет превентивных мер во избежание конфликта интересов; - рассмотрение случаев конфликта интересов и соблюдение

тўқнашувини ҳал қилишда жамоавийликка амал қилиши; - манфаатлар тўқнашуви аломатлари билан тавсифланган вазиятларни кўриб чиқиш, баҳолаш ва ҳал қилишга холис ёндашув; - белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш; - агар ходим бирон-бир қарор қабул қилишдан аввал ёки ўзига юклатилган функцияларни бажаришдан олдин манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тегишли тартибда хабар берган ҳамда Жамият манфаатлари фойдасига ўз шахсий манфаатларидан воз кечишга тайёр бўлса, уни реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги сабабли ишдан бўшатилишига йўл қўйилмаслиги; - шаффофлик ва ҳисобдорлик; - шахсий жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги.	коллективных действий при разрешении конфликта интересов; - беспристрастный подход к рассмотрению, оценке и разрешению ситуаций, характеризующихся признаками конфликта интересов; - обеспечение конфиденциальности информации о наличии конфликта интересов в установленном порядке; - если работник надлежащим образом проинформировал о конфликте интересов до принятия какого-либо решения или перед выполнением возложенных на него функций и готов отказаться от своих личных интересов в пользу интересов Общества, он не может быть уволен по причине наличие реального или потенциального конфликта интересов; - прозрачность и подотчетность; - личная ответственность и неотвратимость наказания.
III. Масъул таркибий бўлинмалар ходимларининг мажбуриятлари ва ваколатлари	**III . Обязанности и полномочия работников ответственных структурных подразделений**
8. Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ходимлари ўзларининг хизмат мажбуриятларини бажаришида ва Жамиятнинг манфаатларини ифодалашда ушбу Сиёсатда белгиланган тамойилларга амал қилишлари, шунингдек, манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан ўзларини сақлашлари шарт.	8. Сотрудники Общества и входящих в его состав подразделений обязаны придерживаться принципов, изложенных в настоящей Политике, при выполнении своих служебных обязанностей и представлении интересов Общества, а также воздерживаться от ситуаций, приводящих к конфликту интересов.
9. Хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун Жамият ходимлари: - Ушбу Сиёсат талабларига риоя қилиши; - фақат давлат ва Жамият манфаатларини кўзлаши; - ўз мансаб ва хизмат мавқеидан фақат давлат ва Жамият манфаатлари йўлида фойдаланиши; - давлат ва Жамият манфаатларига зид келадиган ёки зид келиши мумкин бўлган шахсий манфаатлар тўғрисида Жамиятнинг “Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимини хабардор килиши; - непотизм (қариндошлик), шафелик, фаворитизм, кронизм, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликнинг намоён бўлишига қатъий чек қўйиши; - потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ ошкор қилиши;	9. В целях предотвращения конфликта интересов при исполнении служебных обязанностей работники Общества: - должны соблюдать требования настоящей Политики; - преследовать только интересы государства и Общества; - использовать свое положение и служебное положение только в интересах государства и Общества; - информировать отдел «По противодействию коррупции и комплаенс-контролю» Общества о личных интересах, которые противоречат или могут противоречить интересам государства и Общества; - не допускать проявлений непотизма (кумовства), покровительства , фаворитизма, кронизма, местничества и клановости; - своевременное и полное раскрытие информации о потенциальных или реальных конфликтах интересов;

- ўзининг яқин қариндошлари ва алоқадор шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини, ўзининг ва уларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларидаги иштироки ҳақидаги маълумотларни ҳалол, тўлиқ ва виждонан ошкор қилиши; - агарда Жамиятнинг бошқа ходимларида манфаатлар тўқнашуви мавжудлигига оид маълумотга эга бўлган тақдирда ички ҳужжатларда белгиланган тартибда хабар бериши шарт.	- честно, полно и добросовестно раскрывать полный перечень сведений о своих близких родственниках и связанных с ними лицах, сведения о своем и их участии в неправительственных некоммерческих организациях; - при наличии у него информации о наличии конфликта интересов у других работников Общества он обязан сообщить об этом в порядке, установленном внутренними документами.
10. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида Жамият ходими қуйидаги ҳолларда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериши керак, агар: - ходимнинг бевосита бўйсунувида яқин қариндошлари ва алоқадор шахслар бўлса; - белгиланган тартибда фаолияти ўрганилаётган Жамиятда ходимнинг яқин қариндошлари ёки алоқадор шахслар фаолият юритса ёки белгиланган тартибда фаолияти ўрганилаётган мансабдор шахс ходимнинг яқин қариндоши ёки алоқадор шахс бўлса; - ходим яқин қариндошлари ёки алоқадор шахсларга нисбатан ходимларга (жумладан, иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш, мукофотлар, устамаларга тақдим этиш ва уларнинг миқдорини белгилашга) оид қарорлар қабул қилишда иштирок этса. Мазкур рўйхат якуний ҳисобланмайди. Жамият ходими яқин қариндошлари ёки алоқадор шахсларга нисбатан (улар фаолият юритаётган ташкилотларга) ҳар қандай қарорлар қабул қилиш (имтиёзлар бериш, лицензиялар тақдим этиш, маҳсулотлар сотиб олиш ва шу кабилар) ҳолати потенциал манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳолларда, Жамият ходими манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериши лозим бўлади.	10. В целях предотвращения конфликта интересов работник Общества обязан сообщить о конфликте интересов в следующих случаях: - если у работника имеются близкие родственники и связанные лица, находящиеся под его непосредственным контролем; - в Обществе работают близкие родственники или связанные лица работника, деятельность которых связана в установленном порядке, либо должностное лицо, деятельность которого связана в установленном порядке, является близким родственником или связанным лицом работника; - если работник участвует в принятии решений, касающихся работников (включая расчет и выплату заработной платы, вручение премий, премий и определение их размера) в отношении близких родственников или связанных лиц. Этот список не является окончательным. Любое принятие решений (предоставление льгот, предоставление лицензий, приобретение продукции и т.п.) государственным служащим в отношении близких родственников или связанных лиц (организаций, в которых он осуществляет свою деятельность) может создать потенциальный конфликт интересов. В таких случаях сотрудник Общества обязан сообщить о конфликте интересов.
11. Мазкур Сиёсатнинг 10-бандида қайд этилган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни аниқлаш учун ходим қарор қабул қилиш ёки хизмат мажбуриятларини бажаришдан аввал ўзига қуйидаги саволларни бериши лозим: “Мен қарорни виждонан ва холис қабул қилишим, ҳаракатни амалга оширишим мумкинми?” ва “Агар бу қарорни бошқа ходим қабул қилганда, худди мен қабул қилган қарорни қабул қилган бўлармиди?”. Агар ходим бу саволлардан	11. В целях выявления ситуаций, связанных с конфликтом интересов, указанных в пункте 10 настоящей Политики, работнику перед принятием решения или выполнением служебных обязанностей следует задать себе следующие вопросы: “Могу ли я принять решение добросовестно и беспристрастно, и совершить действие?” и “Если бы это решение принял другой сотрудник, принял бы он то же решение, что и я?”. Если сотрудник ответит “Нет” хотя бы на один из этих

биттасига бўлса ҳам “Йўқ” деб жавоб берса, манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги хатари юзага келади.	вопросов, существует риск возникновения конфликта интересов.
12. Жамиятда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш борасида қуйидагилар амалга оширилади: - ходимларни ишга қабул қилиш ёки лавозимга тайинлашда, шунингдек, бошқа ҳолатларда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарувчи ахборот жамланади; - ҳар бир ходим мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажаришида юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳолатини аниқлайди ҳамда ўзининг раҳбарига, “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими ва “Ходимларни бошқариш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш” бўлимига хабар беради; - манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар бир маълумот ёки хабар коллегиал тартибда ўрганилиб, унинг таъсири аниқланади. Қонун ҳужжатлари талаблари доирасида манфаатлар тўқнашувини аниқлашнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.	12. В целях определения конфликта интересов в Обществе осуществляются: - при приеме на работу или назначении сотрудников, а также в иных случаях осуществляется сбор информации, вызывающей конфликт интересов; - каждый работник определяет ситуацию конфликта интересов, возникшую или может возникнуть при исполнении профессиональных или служебных обязанностей, и сообщает об этом своему руководителю, отделу “По противодействию коррупциеи и комплаенс-контролю” и отделу “Управления, обучения и переподготовке персонала”; - каждая информация или сообщение, которые могут вызвать конфликт интересов, исследуются коллегиально и определяются ее последствия. В рамках требований законодательства могут использоваться иные методы выявления конфликта интересов .
13. Манфаатлар тўқнашуви қуйидагича бошқарилади: - ходимларни ишга қабул қилишда уларга мазкур Сиёсат талаблари имзо қўйдирилган ҳолда таништирилади; - Сиёсат талаблари бўйича ходимларга тушунтириш ва маслаҳатлар бериш ишлари олиб борилади; - аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари рўйхатга олиб борилади; - манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини ўрганиш, уларга баҳо бериш ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган чораларни белгилаш “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими томонидан амалга оширилади; - манфаатлар тўқнашувини олдини олиш жараёнининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида кузатиш ҳамда мониторинг амалга оширилади. Манфаатлар тўқнашуви бошқарилишида қонун ҳужжатлари талаблари асосида бошқаришнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.	13. Конфликты интересов разрешаются следующим образом: - при приеме на работу работников они знакомятся под подпись с требованиями настоящей Политики; - разъяснение и консультирование сотрудников по требованиям политики; - регистрация случаев выявления конфликта интересов; - изучение случаев конфликта интересов, их оценка и определение мер, направленных на предотвращение конфликта интересов, осуществляются отделом “По противодействию коррупциеи и комплаенс-контролю”; - наблюдение и мониторинг осуществляются в целях обеспечения эффективности процесса предотвращения конфликта интересов. При управлении конфликтом интересов могут быть использованы иные методы управления исходя из требований законодательства.

14. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳолларда қуйидаги чоралар кўрилиши мумкин: - ходимнинг тегишли фаолиятни амалга оширишда ёки қарор қабул қилишда ихтиёрий равишда иштирок этмаслиги ёки четлашишига рухсат бериш; - ходимнинг лавозим вазифаларини кўриб чиқиш ёки унга ўзгартириш киритиш; - ходимнинг шахсий манфаатлари билан боғлиқ бўлган маълумотларга чекловлар ўрнатиш; - ходимнинг шахсий манфаатлари унинг лавозим мажбуриятларига зид бўлса, уни манфаатлар тўқнашуви таъсир этмайдиган бошқа лавозимга ўтказиш; - ходимнинг Жамият фаолиятига ёки манфаатларига салбий таъсир этувчи ўзининг шахсий манфаатларидан воз кечиши; - ходимнинг шахсий манфаатлари Жамият фаолиятига ёки манфаатларига зид бўлса ҳамда уни бошқаришнинг бошқа чораларини қўллаш имкони бўлмаса ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш.	14. В случаях возникновения или возможности возникновения конфликта интересов могут быть приняты следующие меры: - разрешить работнику добровольно не участвовать в осуществлении соответствующей деятельности или принятии решений; - пересмотр или внесение изменений в должностные обязанности работника; - установление ограничений на информацию, касающуюся личных интересов работника; - в случае противоречия личных интересов работника его трудовым обязанностям перевод его на другую должность, не затрагиваемую конфликтом интересов; - отказ работника от своих личных интересов, которые негативно влияют на деятельность или интересы Общества; - расторжение трудового договора, заключенного с работником, если личные интересы работника противоречат деятельности или интересам Общества и если невозможно применить иные меры управления им.
IV. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш ва кўриб чиқиш тартиби	**IV . Процедуры раскрытия и проверки конфликта интересов**
1. Манфаатлар тўқнашувини Декларация қилишнинг умумий қоидалари	**1. Основные правила Декларации о конфликте интересов**
15. Жамиятда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари келиб чиқишини олдини олиш манфаатлар тўқнашувини Декларация қилишнинг қуйидаги шаклларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади: - Жамият тизимида вакант бўлган бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш; - манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ҳар йил ошкор қилиш (йиллик Декларация); - реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви юзага келиш факти бўйича маълумотларни ошкор қилиш. “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими	15. Предупреждение конфликта интересов в Обществе осуществляется с использованием Декларирования конфликта интересов, основные понятия следующие: - Предварительное раскрытие конфликта интересов при назначении и ротации кандидатов на вакансии в государственной системе; - ежегодное раскрытие информации о конфликте интересов (ежегодная Декларация); - раскрытие информации о факте реального или потенциального конфликта интересов. Отдел “По противодействию коррупции и комплаенс-контролю”

барча ходимларнинг Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш бўйича мажбуриятлари ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини кўриб чиқиш тартиби устидан назоратни амалга оширади.	контролирует выполнение всеми сотрудниками обязательств по раскрытию информации о конфликте интересов и процедуры рассмотрения конфликтов интересов.
2. Бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини Декларация қилиш	**2. Декларация о Конфликте интересов при назначении и ротации кандидатов на вакантные должности**
16. Жамият бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва уларни ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда Декларация қилиш Жамиятнинг “Ходимларни бошқариш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш” бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади: - мазкур Сиёсатнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича тўлдирилган маълумотнома; - ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш ва ротация қилиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида мазкур Сиёсатнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ шаклдаги ариза тўлдирилади. Ўз мажбуриятларига киришишдан олдин, янги ходимлар ушбу Сиёсатда белгиланган манфаатлар тўқнашуви йўқлигини эълон қилиб ёки муқобил равишда низога олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай мавжуд ҳолатларни тавсифлаб, манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисидаги иловаларга мувофиқ шаклдаги маълумотларни тўлдиришлари ва имзолашлари керак. “Ходимларни бошқариш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш” бўлими ходим томонидан тақдим этилган ҳужжатларни “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимига тақдим этади ва “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими томонидан уларда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича текширилади. Манфаатлар тўқнашуви вужудга келиш эҳтимолини аниқлаб, “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими бу ҳақида қуйидагиларга хабар бериши ҳамда ўз хулосаларини ва тавсияларини тақдим этиши керак, яъни: - ходимлар бўйича Жамият Бошқарув раисига;	16. Претендент на вакантные должности Общества и при ротации работников должен заявить предварительную Декларацию о наличии конфликта интересов в отдел «Управления, обучения и переподготовке персонала» Общества предоставив следующие документы: - справочная форма, заполненная согласно приложению 1 к настоящей Политике; - в процессе подбора, назначения и ротации заполняется анкета согласно Приложениям 2 и 3 к настоящей Политике о наличии или отсутствии конфликта интересов. Прежде чем приступить к своим обязанностям, новые сотрудники должны заполнить и подписать форму раскрытия информации о конфликте интересов в соответствии с приложениями, заявив, что у них нет конфликта интересов, как это определено в настоящей Политике, или, альтернативно, описав любые существующие обстоятельства, которые могут привести к возникновению конфликта интересов. Отдел «По управлению, обучению и переподготовке персонала» передает представленные работником документы в отдел «По противодействию коррупции и комплаенс-контролю». Отделом «По противодействию коррупции и комплаенс-контролю» проверяется данная информацияна наличие или отсутствие противоречий. При выявлении потенциального конфликта интересов отдел “По противодействию коррупции и комплаенс-контролю” сообщает об этом следующим лицам и предоставляет свои выводы и рекомендации, а именно: - по сотрудникам - председателю Правления Общества;

- Бошқарув органининг аъзоси билан боғлиқ ҳолатда эса Кузатув кенгашига. Тегишли равишда, Бошқарув раиси ёки Кузатув кенгаши манфаатлар тўқнашувини бошқариш учун зарур чоралар тўғрисида қарор қабул қилиши керак.	- по членам Правления - Наблюдательному совету. Соответственно, Председатель Правления или Наблюдательный совет должен принять решение о необходимых мерах по управлению конфликтом интересов.
3. Манфаатлар тўқнашувини ҳар йиллик Декларация қилиш	**3. Ежегодная декларация о конфликтах интересов**
